



New Day in Medicine
Новый День в Медицине

NDM



TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal



AVICENNA-MED.UZ



ISSN 2181-712X.
EiSSN 2181-2187

12 (74) 2024

Сопредседатели редакционной коллегии:

**Ш. Ж. ТЕШАЕВ,
А. Ш. РЕВИШВИЛИ**

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ
А.А. АБДУМАЖИДОВ
Р.Б. АБДУЛЛАЕВ
Л.М. АБДУЛЛАЕВА
А.Ш. АБДУМАЖИДОВ
М.А. АБДУЛЛАЕВА
Х.А. АБДУМАДЖИДОВ
Б.З. АБДУСАМАТОВ
М.М. АКБАРОВ
Х.А. АКИЛОВ
М.М. АЛИЕВ
С.Ж. АМИНОВ
Ш.Э. АМОНОВ
Ш.М. АХМЕДОВ
Ю.М. АХМЕДОВ
С.М. АХМЕДОВА
Т.А. АСКАРОВ
М.А. АРТИКОВА
Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)
Е.А. БЕРДИЕВ
Б.Т. БУЗРУКОВ
Р.К. ДАДАБАЕВА
М.Н. ДАМИНОВА
К.А. ДЕХКОНОВ
Э.С. ДЖУМАБАЕВ
А.А. ДЖАЛИЛОВ
Н.Н. ЗОЛотова
А.Ш. ИНОЯТОВ
С. ИНДАМИНОВ
А.И. ИСКАНДАРОВ
А.С. ИЛЪЯСОВ
Э.Э. КОБИЛОВ
А.М. МАННАНОВ
Д.М. МУСАЕВА
Т.С. МУСАЕВ
М.Р. МИРЗОЕВА
Ф.Г. НАЗИРОВ
Н.А. НУРАЛИЕВА
Ф.С. ОРИПОВ
Б.Т. РАХИМОВ
Х.А. РАСУЛОВ
Ш.И. РУЗИЕВ
С.А. РУЗИБОВ
С.А. ГАФФОРОВ
С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)
Ж.Б. САТТАРОВ
Б.Б. САФОВ (отв. редактор)
И.А. САТИВАЛДИЕВА
Ш.Т. САЛИМОВ
Д.И. ТУКСАНОВА
М.М. ТАДЖИЕВ
А.Ж. ХАМРАЕВ
Д.А. ХАСАНОВА
А.М. ШАМСИЕВ
А.К. ШАДМАНОВ
Н.Ж. ЭРМАТОВ
Б.Б. ЕРГАШЕВ
Н.Ш. ЕРГАШЕВ
И.Р. ЮЛДАШЕВ
Д.Х. ЮЛДАШЕВА
А.С. ЮСУПОВ
Ш.Ш. ЯРИКУЛОВ
М.Ш. ХАКИМОВ
Д.О. ИВАНОВ (Россия)
К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)
DONG JINCHENG (Китай)
КУЗАКОВ В.Е. (Россия)
Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)
В.А. МИТИШ (Россия)
В.И. ПРИМАКОВ (Беларусь)
О.В. ПЕШИКОВ (Россия)
А.А. ПОТАПОВ (Россия)
А.А. ТЕПЛОВ (Россия)
Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)
А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)
С.Н. ГУСЕЙНОВА (Азербайджан)
Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV (Azerbaijan)
Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН НОВЫЙ ДЕНЬ В МЕДИЦИНЕ NEW DAY IN MEDICINE

*Илмий-рефератив, маънавий-маърифий журнал
Научно-реферативный,
духовно-просветительский журнал*

УЧРЕДИТЕЛИ:

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ
МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»**

Национальный медицинский
исследовательский центр хирургии имени
А.В. Вишневского является генеральным
научно-практическим
консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных
изданий, рецензируемых Высшей
Аттестационной Комиссией
Республики Узбекистан
(Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)
Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)
А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)
Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)
Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)
У.К. КАЮМОВ (Тошкент)
Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)
А.А. НОСИРОВ (Ташкент)
А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара)
Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)
Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

12 (74)

2024

ноябрь

www.bsmi.uz

<https://newdaymedicine.com> E:

ndmuz@mail.ru

Тел: +99890 8061882

УДК 616.314 -002-036.22

**УРГЕНЧ ШАХРИДАГИ ЎСМИР ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА СТОМАТОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ**

Нурметова Дилфуза Шухратовна <https://orcid.org/0009-0002-6277-4979>

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ **Резюме**

Жаҳон миқёсида аҳоли, шу жумладан унинг сезгир қисми бўлган болалар ва ўсмирлар орасида стоматологик касалликлар учраш даражаси, оғиз бўйлиги шиллиқ қаватидаги ўзгаришлар, ушбу ҳолатнинг улар организм аъзо ва тизимларида таъсири борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу патологияларни эрта таъхислаш ва самарали даволаш ҳозирги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Калит сўзлар. ўсмир ёшидаги болаларда, стоматологик касалликлар, оғиз бўйлиги шиллиқ қавати.

**РАСПРОСТРАНЕННОСТЬ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ-
ПОДРОСТКОВ В УРГЕНЧЕ**

Нурметова Дилфуза Шухратовна <https://orcid.org/0009-0002-6277-4979>

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область,
город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ **Резюме**

Во всем мире проводятся исследования о степени распространенности стоматологических заболеваний среди населения, включая детей и подростков, которые являются его чувствительной частью, изменениях слизистой оболочки полости рта, влиянии этого состояния на органы и системы организма, в которых они находятся. Ранняя диагностика и эффективное лечение этих патологий остается одной из актуальных проблем современности.

Ключевые слова. у детей подросткового возраста - при заболеваниях зубов, слизистой оболочки полости рта.

**PREVALENCE OF DENTAL DISEASES IN ADOLESCENT CHILDREN IN URGENCH
NURMETOVA DILFUZA SHUXRATOVNA**

Nurmetova Dilfuza Shuxratovna <https://orcid.org/0009-0002-6277-4979>

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city,
Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

✓ **Resume**

Research is being conducted all over the world on the prevalence of dental diseases among the population, including children and adolescents, who are its sensitive part, changes in the mucous membrane of the oral cavity, the effect of this condition on the organs and body systems in which they are located. Early diagnosis and effective treatment of these pathologies remains one of the urgent problems of our time.

Keywords. in adolescent children - with diseases of the teeth, oral mucosa.

Долзарблиги

Стоматологик касалликлар бирламчи профилактикасини ишлаб чиқиш, унинг клиник-стоматологик самарадорлигини ошириш, стоматологик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш борасида ҳам талайгина ишлар қилинмоқда. Аммо, болалар ва ўсмирлар орасида стоматологик саломатликни ўрганиш натижалари талқин ҳамда таҳлили, улар асосида ушбу касалликларнинг учраш даражасини камайтириш, бирламчи профилактика йўллариини ишлаб чиқиш, шу асосда ушбу болалар ва ўсмирлар ҳаёт сифатини яхшилаш борасидаги тадқиқотлар поёнига етгани йўқ ва уларни давом эттирган ҳолда мақбул профилактик дастурлар ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш давр талабидир.

Индивидуал даражада стоматологик саломатлик – бу тиш-жағ тизимидаги аъзо ва тўқималарнинг узоқ вақт давомида ўзининг физиологик функцияларини тўлиқ бажариш қобилияти. Тиш қаттиқ тўқималарининг патологияси, пародонт касалликлари, патологик емирилиш, тишларнинг қисман ёки тўлиқ мавжуд бўлмаслиги каби стоматологик касалликлар бутун дунёда, хусусан МДХ мамлакатларида учрамоқда. Стоматологик касалликлар тузилишида уларнинг улуши 95% дан ошмоқда [1.3.5.7.9.11]. Тишлар кариесининг олдини олишда катта ютуқларга қарамасдан, мазкур касаллик жаҳоннинг аксарият мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизими учун жиддий муаммо туғдирмоқда. Болалар орасида стоматологик касалликларнинг тарқалганлиги 75-95%, катта аҳоли орасида 100% га етади, шу билан бирга Россия аҳолисининг тишларни даволашга эҳтиёжи ортмоқда: у 40% дан 75% гача ўсган. Санация қамрови 85% дан 45% гача камайган. Асоратлар ва олиб ташланган тишлар сони ортган. Санкт-Петербург шаҳри аҳолисида тишлар кариеси ва унинг асоратлари ривожланишининг умумий тизимли қонуниятлари ўрганилганида, болалар ва ўсмирлар текширилган аҳолида жами тишларнинг фақат 28% и интакт бўлганлиги аниқланди [2.4.6.8.10.12]. Кўплаб тишлар (33%) даволанишга муҳтож, улардан 19% и кариес асоратларига тўғри келади.

Тадқиқотнинг мақсади: Ургенч шаҳридаги ўсмир ёшдаги болаларда стоматологик касалликларнинг тарқалиши ўрганиш ва ташхислашни усуллариини такомиллаштириш.

Тадқиқот материал ва усуллари

Тадқиқотлар Ургенч шаҳар 1-сон Оилавий поликлиникага қарашли Маърифатчи ва Дўстлик маҳалларида доимий яшовчи болалар ва ўсмирлар орасида ўтказилди. Ургенч шаҳрида 1та Кўп тармоқли марказий поликлиника ва 4 та оилавий поликлиника, 1та Вилоят болалар стоматологик поликлиника аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. Ургенч шаҳар тиббиёт муассасаларида жами 7 нафар стоматологлар фаолият юритади.

Болалар ва ўсмирлар билан ишлаш бўйича стоматологик, тиббий-ижтимоий усуллар танланди, сўров-интервью, анкеталаш каби тиббий-ижтимоий усуллар ўзлаштирилди. Клиник материални тўплаш генерал мажмуа ва танлаб олинган мажмуалар асосида олиб борилди. Қишлоқда истиқомат қилувчи болалар ва ўсмирлар ўрганилиши боис қишлоқ туманлари танланди. Уларни танлашда қуйидагиларга амал қилинди: 1. Қишлоқ тумани катта шаҳарлар ва йирик саноат зоналаридан узоқда бўлиши; 2. У ерда истиқомат қилувчи типик қишлоқ шароитида яшовчилар бўлиши, улар аҳолиси катта шаҳарларда қатнаб ишламаслиги; 3. Ушбу шароитда туғилиб-ўсган, яшаётган, ишлаётган (ёки вақтинча ишсиз) бўлиши лозим; 4. Ушбу ҳудуд ва унда истиқомат қилувчи аҳоли тиббий хизмат билан республиканинг бошқа қишлоқ ҳудудлари билан бир хилда таъминланган бўлиши; 5. Улар бир-бирларидан иқлимий, географик жиҳатдан фарқ қилмаслиги. Ушбу талабларга тўла жавоб берувчи Хоразм вилоятининг Боғот ва Янгибозор туманлари танланди, олинган натижаларни солиштириш мақсадида Ургенч шаҳри танланди. Тадқиқот ўтказиладиган объектларнинг аҳоли таркиби ўрганилиб, шу ҳудудлардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари тасодифий танлаш усулида амалга оширилди. Танланган ҳудудлар аҳолисининг камида 10%и тадқиқотларга далб этилди. Тадқиқотларга жалб этилганларнинг барчасидан розилик олинди.

Тадқиқотларни ўтказиш босқичи. Танланган ҳудудлар аҳолисининг рўйхати шакллантирилиб, улар орасида болалар ва ўсмирлар орасида ҳисобга олинди. Қишлоқ врачлик пункти тиббиёт ходимлари билан биргаликда улар амбулатор карталари ўрганилиб, стоматологик кўрик ўтказиш учун тайёрлаб қўйилди. Сўров-интервью усулида респондентлар орасида анкеталаш ўтказиш учун анкета тузилиб, тасдиқланди ва кўп нусхада чоп этилди, анкеталаш ўтказилди. Барча анкеталар статистик ишлаш учун тайёрлаб қўйилди.

Натижа ва таҳлиллар

Болалар ва ўсмирлар орасида тишлар кариеси билан шикастланганлик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, барча ёш гуруҳларида тишлар кариесининг тарқалганлиги 100% ни ташкил этди. Ургенч шаҳри болалар ва ўсмирлар КПО (кариес-пломба-олиб ташлаш) индекси тузилишида асосий солиштирма вазнини пломбланган тишлар ташкил этади (42,4%). Бунда 7-11 ёш гуруҳида мазкур кўрсаткичда уларнинг улуши 60% дан, 11-18 ёш гуруҳида эса 50% дан ошди. Ургенч шаҳри аҳолисининг даволанмаган кариоз тишлари барча текширилган тишларнинг 11,5% ни ташкил этди. Уларнинг энг катта солиштирма вазни шунингдек кўрсатилган ёш гуруҳларида аниқланди: мос равишда 20% ва 15% дан ортиқ. Шаҳар аҳолисининг стоматологик ёрдам сўраб мурожаат қилишлари сони, қишлоқ аҳолиси билан солиштирганда кўп эканлиги белгиланди. Бироқ инсон қаерда яшашидан қатъий назар, у ҳоҳ кенг тармоқли стоматология хизмати мавжуд шаҳар, ҳоҳ қишлоқ бўлсин, тишлар кариесининг интенсивлиги фарқ қилмайди ва эҳтимол, патологияларнинг олдини олиш шифокор-стоматолог фаолиятининг шарт қисмига айланмагунича фарқ қилмайди [11.13.15.17].

Болалар ва ўсмирлар орасида стоматологга кўпроқ мурожаат қилишади, бу бир томондан, улар тишининг кариес билан шикастланиш даражаси юқорилиги, бошқа томондан эса ўз саломатлиги ҳамда хусусан ўзининг ташқи кўринишига кўпроқ эътибор қаратиши билан боғлиқ. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, профилактика ва оғиз гигиенаси хонасига мурожаат қилган беморларнинг умумий сонидан 63,2% ини болалар ва ўсмирлар ташкил этди. Динамик стоматологик кузатув ҳамда анкеталаш материалларида болаларда оғиз бўшлиғида гигиенанинг паст даражасида (ОHI-S – 1,8 CRITN 1,3 балл) кариеснинг юқори тарқалганлиги ҳамда интенсивлиги (КПО=13,6 балл) кўрсатилди [12.14.15.17]. Анкеталаш болалар ва ўсмирларнинг оғиз бўшлиғида гигиена воситалари ва усуллари тўғрисида етарли маълумотга эга эмаслигини кўрсатди. Аксарият текширилувчиларга (71%) инфекцияларнинг онадан ва болаларни парваришлаган инсонлардан ўтиши натижасида эрта болалик ёшида кариеснинг юқори хавфи ҳақида маълумотга эга бўлмаган. Ўтказилган тадқиқотлар болалар ва ўсмирлар орасида стоматологик касалликларнинг олдини олиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруратини асослайди.

Хоразм вилоятининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази ҳисобланади. Амударёнинг қуйи оқими чап соҳилида жойлашган. Шовот канали шаҳар ўртасидан ўтиб, Урганчни шимолий ва жанубий қисмларга ажратган. Шимолий қисмда асосан турар жой бинолари, илмий ва маданий маориф муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш қархоналари, жанубий қисмида эса ишлаб чиқариш қархоналари жойлашган. Аҳолиси 149918 киши, шулардан болалар 0-14 ёшдагилар 41621 та 15-17 ёшдагилар 6948 нафардан иборат. Ушбу болалар ва ўсмирлар 43687 та нафари текшириш мобайнида болалар ва ўсмирлар ташкил этди.

Стоматологик саломатликни ўтказиш босқичи. Боғот ва Янгибозор туманлари, Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи болалар ва ўсмирлар стоматологик саломатлиги стоматологик кўрик асосида амалга оширилди. Ушбу кўрик шу аёллар яшайдиган қишлоқ врачлик пунктида ўтказилиб, унда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали стоматология кафедраси ходимлари, клиник ординаторлари ёрдамида, бизнинг тўғридан-тўғри иштирокимиз ва назоратимиз остида ўтказилди. Стоматологик кўрик билан боғлиқ барча ҳаражатлар Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали томонидан қопланди, тадқиқотга жалб қилинганлар учун бепул амалга оширилди. Стоматологик кўрик давомида аниқланган стоматологик касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиялар берилди, улар учун стоматологик касалликлар профилактикаси бўйича суҳбатлар ўтказилди. Клиник материал етарли бўлгач, тадқиқотлар тўхтатилди.

Тадқиқотнинг якуний босқичи. Етарлича клиник материал йиғилгач, барча анкеталар ва стоматологик кўрик натижалари ёзилган амбулатор карталари тизимланди, статистик ишлаш учун тайёрлаб қўйилди [14.15.16.17]. Анъанавий вариацион статистика усуллари ёрдамида ишланди, олинган рақамлар талқин ва таҳлил қилинди.

Хулоса

Шуни таъкидлаш лозимки, илмий иш бўйича клиник материал йиғиш, гуруҳларни шакллантириш ва уни ёзиш пайтида 5 та асосий тамойилга қатъий амал қилинди. Шундай ҳолатдагина илмий иш бўйича ҳаққоний натижалар олиш, асосли хулосалар қилиш ҳамда

соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш бўйича тавсиялар бериш мумкин бўлади. Тадқиқотларни бажариш давомида уларнинг рандомизацияланган бўлишига, гуруҳларнинг, тадқиқот объектларининг репрезентатив бўлишига эришилди. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига амал қилинди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Курязов А.К. Распространенность и интенсивность кариеса зубов среди беременных, проживающих в различных экологических условиях Узбекистана //Проблемы биологии и медицины. - Самарканд, 2010;3:99-102 (14.00.00; №19).
2. Курязов А.К., Суванов К.Ж., Рузметов У.А. Особенности профилактики стоматологических заболеваний у беременных в условиях экологического неблагополучия. //Проблемы биологии и медицины. Самарканд, 2010;3:42-45 (14.00.00; №19).
3. Курязов А.К., Суванов К.Ж., Нуралиев Н.А. Сравнительное изучение факторов местного иммунитета ротовой полости у беременных женщин. //Журнал теоретической и клинической медицины. Ташкент. 2010;5:86-89 (14.00.00 ; №3).
4. Курязов А.К., Суванов К.Ж. Распространенность болезней пародонта и слизистой оболочки полости рта среди беременных, проживающих в различных экологических условиях //Бюллетень ассоциации врачей Узбекистана. Ташкент, 2011;1:78-82 (14.00.00; №17).
5. Kuryazov A.K., Nuraliyev N.A. Condition of non-specific protection factors of oral cavity among pregnant women //European journal of natural history. 2012;8:4-5 (Scopus).
6. Rajabov O.A. Clinical and immunological Evaluation of Orthopedic Treatment of Patients with Inflammatory Periodontal Diseases of Various Orthopedic Constructions. //International journal of Health Systems and Medical Sciences 2023 February;2(2):21-24 ISSN: 2833-7433.-P.-21-24
7. Rajabov O.A., Bekmuradova G. Parameters of Humoral of the Oral Cavity in Patients Before the Start of Orthopedic Treatment //Central asian journal of medical and natural sciences. Испания 2023;4(2):28-32 ISSN: 2660-4159 P.-28-32.
8. Rajabov O.A. Structural and functional changes in periodontal tissues during prosthetics with metal-ceramic and zirconium dentures Valeology: International journal of Medical Anthropology and Bioethics 2023;1(1).
9. Rajabov O.A. The Optimal Type of Prosthesis Based on a Comparative Assessment of the impact of Ceramic and Zircon Prostheses 2023 May;2(5):189-195 ISSN: 2720-6866.-P.-189-195
10. Эронов Ё. К. Analysis for determining the features of tooth decay in children cerebral perspective with characteristics of the strain composition //Новый день в медицине. 2020;2(40):272-274.
11. Эронов Ё. К., Ражабов А. А. Estimating the prevalence of caries in children with cerebral palsy //Новый день в медицине. 2020;2(40):634-635.
12. Eronov Y.Q., Mirsalixova F.L. Treatment of chronic catarrhal gingivitis in children with disabilities improvement //World Bulletin of Social Sciences. 2021;3(10):71-74.
13. Eronov Y.Q., Mirsalixova F.L. Diagnosis, prophylaxis and treatment of chronic catarrhal gingivitis in children with disabilities improvement //World Bulletin of Social Sciences. 2021;3(10):67-70.
14. Eronov Y.Q., Mirsalixova F.L. Dynamics of the prevalence of diabetes and the study of dental status in children of the Bukhara region //International Journal of Applied Research. 2019;5:151.
15. Eronov Y.K., Mirsalikhova F.L. Indications for the comprehensive prevention and treatment of dental caries in children with cerebral palsy //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. 2021;25(1):5705-5713.
16. Eronov Y.Q., Kamalova M.Q. Evaluation of caries prevalence in children with cerebral palsy //Academicia: an international multidisciplinary research journal. 2020;10:85-87.
17. Эронов Ё., Мирсалихова Ф. Имконияти чекланган болаларда суринали катарал гингивитларни замонавий даволаш усуллари //Медицина и инновации. 2021;1(4):681-685.

Қабул қилинган сана 20.11.2024